Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 27-fevral, payshanba № 27 (3376)

Халқаро кўргазмалар иш бошлади

«Ўзэкспомарказ»да «Қурилиш — UzBuild-2014», «Мебел, ишлаб чиқариш технологиялари, интерер ва дизайн — MebelExpo Uzbekistan-2014» ва «Иситиш, вентиляция, совутиш тизимлари, сув таъминоти, сантехника ва бассейнлар — Aqua-Therm Tashkent — 2014» халқаро кўргазмалари очилди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан ҳамкорликда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ва унинг хорижий шериклари томонидан ташкил этилди.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистонда қурилиш ва мебелсозлик соҳалари жадал тараққий этаётгани, бу мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Халқаро кўргазмалар талаб ва таклифни ўрганиш, товар айирбошлашни ривожлантириш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш ва саноатни янада тараққий эттиришга хизмат қилади. Бунинг самарасида янги ишлаб чиқариш қувватлари ва қўшма корхоналар ташкил этилади, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ҳамда халқаро савдо муносабатлари янада мустаҳкамланади.

ЎзА

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Пойтахтимиздаги супермаркетлардан бирида икки қиз соч ювиш воситаларининг қай бири яхшию, қай бири сифатли эканини аниқлашга уринишарди. Уларнинг суҳбатини тинглаб турган сотувчи чиройли қадоқланган идишдаги соч ювиш воситасини қизларга тавсия қилди.

Маҳсулот сифати ошмоқда

— Қаерда ишлаб чиқарилган? — сўради қизлардан бири қизиқиб.

— Юртимизда ишлаб чиқарилган, сифати ҳам аъло даражада, — деди сотувчи.

Қизларга бу таклиф маъқул тушди.

Айни вақтда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан юртимиз бозорлари ва дўконларига чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати кун сайин ортмоқда. Демакки, барча тармоқларда, хусусан, аҳолига турли пардоз маҳсулотлари, соч бўёқлари ва совунлар етказиб бериш йўналишида ҳам сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрловчи корхоналар сони тобора кўпаймоқда.

Пойтахтимиздаги «Bioline Kosmetiks» масъулияти чекланган жамияти шулардан бири. Корхона раҳбари Саидбиби Ҳасанова етакчи сифатида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшларга ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш борасида хайрли ишларни амалга оширмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратган эътибори бизга куч-гайрат бағишламоқда, — дейди С.Ҳасанова. — Соғлом рақобат муҳитида турли йўналишда хизматлар кўламини ва маҳсулот сифатини янада ошириш орқали мижозлар ишончини қозонмоқдамиз. Мулк эгасини топса ва унга молиявий кўмак берилса, ишбилармоннинг иши ривожланади. Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги инсонларга барча шароит яратилган.

Атир-упа ва пардоз маҳсулотларининг турини кўпайтириш устида изланаётган тадбиркор аёл бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонларга яратилган имкониятлар боис сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, аҳолига тақдим этмоқда. «Bioline Kosmetiks» маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорларини топиш билан бирга, ташқи бозорда ҳам унга қизиқувчилар ортмоқда.

2007 йилда иш бошлаган корхонада дастлаб етти нафар ишчи болалар учун кремлар ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда «Biolife», «Life Color», «VIVAton» каби эллик турдан зиёд махсус крем, ўттиз турда соч бўёқлари, шампун, совун каби маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жамоа аъзоларининг сони эллик нафардан ошди.

Корхонада сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида 2012 йилда «Инфин банк» очиқ акциядорлик тижорат банкидан уч юз миллион сўм кредит олиниб, цехлар замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозланди.

Франция, Италия, Германиядаги компаниялар билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари корхона фаолияти самарадорлигини оширмоқда. Хусусан, 2013 йилда Италиядан келтирилган илғор технологиялар маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

— Цехларимиз, маҳсулот сифати текшириладиган лабораториямиз замонавий ускуналар билан жиҳозланди, — дейди корхона ишчиси Саидқул Сариев. — Натижада, қўл меҳнати енгиллашиб, ишлаб чиқариш ҳажми ошди, маҳсулотлар сифати яхшиланиб, турлари кўпайтирилмоқда.

Ишбилармон аёл Саидбиби Ҳасанованинг режалари улкан. У «устоз-шогирд» мактабини йўлга қўйиб, ёшларни янада кенгроқ жалб этишни мўлжалламоқда.

Замонамизнинг тадбиркор, оқила аёллари оиласининг иқтисодий аҳволини ўнглаш, фарзандлари келажагини таъминлаш истагида касб-ҳунар ўрганмоқда. Бу оилаларга янада тўкинлик ва фаровонлик, файз бағишлайди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎзА мухбири

Елкин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар

Янгиликлар оқимидан

САМАРҚАНД

Болалар спорти ривожига муносиб улуш қўшиб келаётган Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» корхонаси фаолиятини тубдан такомиллаштираётир.

МУНОСИБ УЛУШ

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бугунги кунда 825 тадан зиёд мактаб спорт заллари, 250 дан ортиқ болалар спорти мажмуалари ҳамда мингдан ортиқ коллеж ва лицейлар спорт иншоотларида кўришингиз мумкин.

Янги технологиялар билан жиҳозланиш боис бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ўтган йили 2012 йилга нисбатан икки баробарга ошди. Жорий йилда модернизация ишлари жадал давом эттирилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини саккизтага кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

ФАРҒОНА

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА

Фарғона туманида ўтган йили намунавий лойиҳалар асосидаги 227 уй-жой ўз эгаларига топширилган бўлса, жорий йилда яна 399 ана шундай замонавий турар жойлар қурилиши режалаштирилган.

Туманнинг Чекшўра ва Миндонобод массивида барпо этилган 160 уй-жой қишлоқ аҳлига беҳад манзур бўлди.

— Шундай кўркам ва замонавий уйда яшаш орзуимиз эди, — дейди янги уй эгаларидан бири Маҳмуджон Мамадалиев. — Айни пайтда ҳудудда турли савдо ва маиший хизмат шохобчалари қуриш ишлари якунланмоқда.

ЎзА

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ўндан ортиқ турли миллат фарзандлари билим олишяпти. Виктория Торбан ана шундай инсонлардан бири.

ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Отаси Виорелнинг келиб чиқиши Молдавиянинг Бельци шаҳридан, онаси Венера Қаршида вояга етган бўлиб, татар миллатига мансуб. Оилада Викториядан ташқари яна икки фарзанд — Андрей, Юлиана ҳам камол топмоқда.

Қарши шаҳридаги турли миллат вакиллари таълим олаётган 9-мактабни битирган Виктория компютерчи-дастурчи касбини эгаллашга аҳд қилди. Айни пайтда у коллежнинг 2-босқичида таҳсил олаётир.

Иззат ҲИКМАТОВ

Ўқув-семинар

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари вилоят ташкилотлари касаба уюшма бирлашган қўмитаси тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва фаоллари учун «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшма фаолиятини намунали ташкил этиш» юзасидан ўқув-семинар уюштирилди.

Намунали фаолият — муваффақият гарови

Семинарда Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова, Наманган Давлат университети ўқитувчиси Икром Кенжаев ҳамда касаба уюшма мутахассислари иштирок этишди.

Марказий кенгаш раиси Ў.Турғунов семинарни очар экан, бошланғич ташкилотлар раиси ва ташкилотчилари олдидаги долзарб вазифалар, меҳнаткашларга яратилаётган шарт-шароитларда касаба уюшмаларининг ўзига хос ўрни тўғрисида гапирди. Бирлашма кенгаши раиси З.Маҳкамова иш берувчи, ходим ва касаба уюшма ўртасида тузиладиган жамоа шартномасининг қанчалар аҳамиятга молик эканлиги ҳамда бошланғич касаба уюшма раислари ишни таъсирчан олиб боришлари учун нималарга эътибор қаратишлари юзасидан фикр билдирди.

Марказий кенгаш мутахассислари ўтган йилда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасида амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йилдаги асосий вазифалар, устувор йўналишлар ҳамда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш хусусида тушунча бериб ўтишди.

Вилоят бирлашма кенгаши мутахассислари меҳнат муҳофазаси, бу борада жамоатчилик назорати ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифалар, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлар орқали ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига атрофлича тўхталдилар.

Тармоқ касаба уюшма бирлашган қўмитаси раиси Илҳомжон Султонов бундай семинарларни эндиликда режа асосида туманлар миқёсида ўтказилишини таъкидлаб, ҳафтанинг учинчи кунини «Касаба уюшма куни» деб белгилаш ҳамда ойларни касаба уюшмалари фаолиятига оид номлар билан аташ ҳамда у қандай долзарб вазифа асосида номланса, ўша мавзуга кўпроқ эътибор қаратиш бўйича таклиф киритди. Шундан келиб чиққан ҳолда, март ойи «Нодавлат секторда касаба уюшмаларини аъзоликка қабул қилиш ойлиги» деб белгиланди.

Шундай семинар Андижон ва Фарғона вилоятларида ҳам ташкил этилиб, касаба уюшма ташкилотлари етакчилари учун фаолиятга оид маърузалар қилинди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Савол-жавоб, баҳс-мунозара асосида ўтказилган семинарлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Сара йигитлар – сафга

Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник С.Бозоров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муддатли ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ва мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани Қуролли Кучлар шахсий таркибини тўлдиришни сифат жиҳатдан яхшилаш имконини бермоқда.

— Болалигимда ҳарбий либосдагиларни кўрсам, ҳавас қилардим. Бугун, мана, ўзим ҳам шу либосда Ватан ҳимоячилари сафига қўшилаётганимдан жуда хурсандман, — дейди чақирилувчи Иззатбек Қурбонов. — Армияда хизмат қилиш учун саралаш танловига астойдил тайёргарлик кўрдим. Саралаш жараёнида танлов катта бўлса-да, муваффақиятли ўтдим.

Фарзандларини хизматга кузатаётган ота-оналарни суҳбатга тортаман.

— Президентимиз таъкидлаганидек, юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги энг катта бойлигимиздир, — дейди Л.Отажонова. — Дунёнинг кўп жойларида нималар бўлаётганини кўриб турибмиз. Худога шукр, Юртбошимиз раҳбарлигида юритилаётган оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз тинч, халқимиз хотиржам. Бунинг учун тинимсиз курашиш зарурлигини ҳам яхши биламиз. Ана шу тинчлик ва осойишталикни таъминлашга менинг фарзандим ҳам ҳисса қўшишидан фахрланаман.

А.ШОКИРОВ, ЎзА мухбири

Тадбир

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан «Фуқаролик жамияти ривожланишининг миқдор ва сифат ўзгаришлари: Тошкент шаҳри мисолида» мавзусида ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари, пойтахт шаҳар ҳокимияти, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳудудий партия ташкилотлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Кузатув ва таҳлил

Конференцияни фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Дониёр Аюпов кириш сўзи билан очди.

— Конференция ўтказишдан асосий мақсад, — деди у ўз сўзида, — пойтахтимиз ҳудудида фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот тақдим этиш, Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг ўтган йилги фаолиятини муҳокама этиш ва келгусидаги муҳим чора-тадбирларни белгилашдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам ҳудудий бўлинма томонидан фуқаролик жамияти шаклланишида амалга оширилаётган демократик ислоҳот ва ўзгаришларнинг бориши, аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий маданияти юксалиши, сиёсий партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш жараёнларини чуқур ўрганиш юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, фуқаролик жамиятлари институтларининг жамоатчилик назорати амалга ошириб келиняпти. Ҳамкор ташкилотлар билан бирга 86 та тадбир, 14 га яқин ижтимоий сўровлар, жамоат ташкилотларининг 1500 дан зиёд тадбирлари мониторинги ўтказилди.

Конференция доирасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва ҳал этишда тизимли ёндашувни йўлга қўйиш, сайловолди дастурларида кўрсатилган, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, сайловчиларни ташвишга солаётган масалаларни кенгаш йиғилишлари кун тартибига киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Конференция якунлари асосида фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнларидаги ролини янада оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Бандлик дастури — амалда

Қорақалпоғистон Республикасини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 12 хил янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг бештаси қишлоқ жойларда амалга оширилгани туфайли олис овулларда ҳам турли замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Овулларда ўзгариш

— Ўтган йили саноат йўналишида 50,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, 295 лойиҳа амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи Тамара Дуйсенбина. — Бунинг натижасида 3 минг 720 янги иш ўрни яратилди, 32,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Банкдан олинган 150 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ҳисобига амалга оширилган ушбу лойиҳа йилига минг кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш имконини яратди, — дейди Элликқалъа туманидаги «Нодирбек» МЧЖ раҳбари Ғофуржон Сотимов. — Айни пайтда ҳар ойда 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Корхона иш бошлагандан буён туманимизда барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилишига 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб бердик.

ЎзА

Ishonch
2014-yil 27-fevral № 27 (3376)

Омилкорлик

Жиззах вилояти Арнасой пахта тозалаш корхонаси қошида тикувчилик цехи ишга туширилди. Замонавий жиҳозланган цехда 25 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Пахта тозалаш корхонасида – тикувчилик цехи

Корхонада пахтани қайта ишлаш билан бирга, қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2013 йили 200 қути ипак қурти боқишга мўлжалланган пиллахона, минг тонна сабзавот сақлайдиган омборхона ишга туширилган эди. Энди уларнинг сафига тикувчилик цехи қўшилди.

Айни пайтда цехда корхона ишчилари учун коржома ва қўлқоплар тикилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, илгари бошқа жойдан сотиб олинган мазкур буюмлар шу ернинг ўзида тайёрланиши натижасида йилига 6 миллион сўм маблағ тежалар экан.

ЎзА



Самарқанд шаҳридаги «Амин пластик транс» масъулияти чекланган жамиятида ўндан ортиқ турда болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилмоқда.

Банк кредити шарофати билан

Бунда 2012 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки Самарқанд вилояти филиалидан олинган кредит маблағи муҳим аҳамият касб этди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада қирққа яқин ёшлар доимий иш билан банд.

— Ҳар куни 500-600 килограмм полиэтилен хом ашёси қайта ишланмоқда, — дейди корхона раҳбари Хуршид Тўраев. — Жорий йилдан болажонлар учун турли ўқув қуроллари, ҳарфлар шаклидаги ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганмиз.

СУРАТЛАРДА: *корхона ишчилари Фазилат Абдуваҳобова ва Муаззам Абдуқаюмова.*

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

2014 йил — Соғлом бола йили

Хива туманидаги 97-махсус давлат мактаб-интернатида ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Мактабда 200 дан зиёд ўқувчи билим олади.

Мактаб ҳовлисига киришданоқ ажиб ҳиссиётлар чулғайди. Саранжом-саришталик, оддий тошлардан ясалган нақшинкор манзаралар диққатни тортмай қўймайди.

Таянчимиз – меҳр, суянчимиз – оқибат

— Булар ўқувчиларимиз кўмагида амалга оширилган, — дейди мактаб-интернат директори Султонпошша Қўшжонова. — Инсоннинг қўли гул. Истаса тоғни талқонга, тиконни эса гулга айлантира олади.

Ичкари ҳовлидаги манзара янада ҳайратланарли. Бу ердаги турли эртак қаҳрамонларининг ҳайкалчалари сизни болаликка қайтаради. Ошхонанинг озодалиги, ётоқхонадаги тартиб ҳам тан бергулик.

Ҳар бир дарсни, тўгарак машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида ва юқори савияда ташкил қилиш 80 нафар ўқитувчининг қалб амрига айланган. Ёшларни она-Ватанга муҳаббат руҳида, маънавиятли ва меҳнатсевар этиб тарбиялашга қаратилган кўплаб тадбирлар уюштириб келинмоқда. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!», «Устозга таъзим», «Меҳримиздан унсин чечаклар», «Ватанпарвар инсон — элига посбон» каби мавзулардаги тадбирлар шулар жумласидан.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, турли касбларга йўналтириш, билим, кўникма ва малакаларини ошириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб-интернатда жисмоний тарбия ва болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида турли мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Эрталабки бадантарбия машқларига барча тарбияланувчилар жалб қилинади. Спорт турлари бўйича гуруҳлар ўртасида мусобақалар, муҳим саналарга бағишлаб спартакиадалар уюштирилади. «Соғлик — энг катта бойлик», «Соғлом авлод — келажак пойдевори», «Шахсий гигиена қоидаларини биласизми?» каби мавзуларда уюштирилаётган суҳбатлар ўқувчиларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчиларнинг соғлиги учун бир шифокор ва уч ҳамшира масъул.

«Моҳир қўллар», «Дурадгорлик», «Ёш ҳаваскорлар», «Ёш математик», «Ёш рассомлар», «Этикдўзлик», «Табиатшунослик», «Компютер саводхонлиги» ҳамда спорт тўгараклари доимо гавжум. Зулфия Отажонова, Бозорбой Жуманиёзов каби ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор қаратиб, турли ҳунарларни эгаллашига кўмакдош бўлишмоқда. Улар ясаган буюмлар, гул ва дарахтлар, нақшларда миллий қадриятларимиз ўз ифодасини топганлиги, айни вақтда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Ёғочга ишлов бериш, тикувчилик устахоналарида ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказиб қолмай, ижтимоий фойдали меҳнат билан ҳам шуғулланади.

Ўқувчиларнинг 80 фоизи кам таъминланган оила фарзандлари: 24 нафари етим, 161 нафарининг ота-онаси ногирон. Албатта, бундай болалар алоҳида меҳр, эътибор талаб қилади. Устозу мураббийларнинг барчаси ана шу меҳрни беришга қодир бўлган инсонлар.

Мактаб ўқитувчилари ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган «Санъатим сенга, обод юртим» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиблик шоҳсупасидан жой эгаллаб келади. Ўқувчилардан иборат рақс жамоаси эса Хивада ўтказилаётган кўплаб маданий-маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиси.

Кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, спортни ривожлантириш, ходимлар ва ўқувчиларнинг саломатлигини тиклашда мактаб бошланғич касаба уюшмасининг кўмаги катта. Ҳар йили ёзда мактаб-интернат базасида оромгоҳ ташкил қилинади.

Мактабга ҳомий ташкилотлар ва ҳиммати баланд тадбиркорлар томонидан кўрсатилаётган беминнат ва беғараз ёрдамларнинг чеки йўқ. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари шулар жумласидан.

Халқимиз азалдан меҳр-оқибатга таяниб яшайди. Бу эса бугуннинг кечадан, эртанинг бугундан-да нурафшон бўлишини таъминлайди, албатта. Хивадаги ушбу махсус мактаб-интернат жамоаси меҳрни таянч, оқибатни суянч деб билганлиги боис болалар қалбида эзгулик уруғлари ниш урмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигининг таъминланиши жамоада иш самарадорлиги ошишига хизмат қилади. «Ипотекабанк» АТИБ Тошкент вилояти филиалида 104 нафар ишчи-ходимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилган.

Кўрик-танловда биринчи ўринни олган



Иш жойлари қулай ва соз. Иситиш-совитиш тизими яхши ишлайди. Санитария ва гигиена хоналари қулайликка эга. Ҳар бир ходим махсус кийим-бош билан таъминланган, ёнғин хавфи ва бошқа тасодифий ҳодисалар, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида зарур эҳтиёт чоралари кўриб қўйилган. Ўтган йили электр тизими обдан кўздан кечирилиб, таъмирталаблари таъмирланди, яроқсизлари алмаштирилди. Барча турдаги рухсатномалар инвентаризация қилинди. Муҳрлар, печатлар, клише, пломбираторлар рўйхатга олинди. Банкнинг асосий кириш эшигига турникет ўрнатилди. Мини банклар, халқаро пул ўтказмалари шохобчаларида, банкдан ташқари кассалар (омонат, жамғарма ва махсус кассалар)да ҚЁОС воситалари ишлаши ва хавфсизлик ҳолатлари тўлиқ текширилди. Мижозлар ҳамда ходимларнинг рухсатномалари қайта рўйхатдан ўтказилиб, жорий йил учун махсус шифр белгиси қўйилди. Электрон архив маълумотлар ташқи сақловчига кўчирилиб, дафтарга қайд этилди. Барча электрон архив маълумотлар қайта текширилди. Интернет тармоғига кирувчиларнинг қайси сайтлардан фойдаланганлиги таҳлил қилинди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида «Горячая линия» хизмати ўрнатилди. Банк касса амалиётлари бўлимида СМК қўриқлаш воситалари мавжуд.

— Қулай шароит ҳамда бугунги кун талабларига мос ахборот-технология воситаларисиз унумли ишлаш қийин. Шунинг учун меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлик кун тартибидан тушмай келаётир, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳфуза Рихсиева. — Энг аввало, ишчи-ходимларнинг ушбу соҳа бўйича саводхонлигини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Касаба уюшмалари ташкил этган «Энг яхши бошланғич ташкилот» кўрик-танловида «Меҳнат муҳофазаси» номинацияси бўйича биринчи ўринни олдик.

Касаба уюшма бурчагидан соҳага доир зарур ҳужжатлар, кўргазмалар ва бошқалар ўрин олган. Жамоа шартномасида меҳнат аҳлининг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари тўла кафолатланган.

Айни пайтда мижозларга намунали хизмат кўрсатилаётир. Иш режа асосида ташкил этилган. Кредит олувчилар сони тобора кўпайиб боряпти. Шунингдек, ишчи-ходимларга имтиёзли истеъмол кредитлари берилаётир.

Жамоа аҳли яхши-ёмон кунларда бир-бирига камарбаста. Театр ва концертларга чипталар тарқатилмоқда. Юбилей ёши ходимларга муносиб эъзоз кўрсатилаётир. Ишловчилар ва уларнинг ўғил-қизларини соғломлаштириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Жамоа аъзоларидан бир нечаси касаба уюшмаси ва суғурта бадаллари ҳисобига «Ботаника», «Бўстон», «Чортоқ», «Чорвоқ» санаторийларида саломатлигини тиклаб қайтган бўлса, баъзиларининг оила аъзолари билан Бўстонлиқ туманидаги тоғлар бағрида дам олиши уюштирилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Бошланғичда нима гап?

Ҳамкорлик туфайли

Ховос туманидаги 9-умумтаълим мактаби маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 70 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич ташкилотда жамоа шартномасида белгиланган ижтимоий ҳимоя, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олдириш, маданий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ходимларни рағбатлантириш, моддий ёрдам бериш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маълумки, ҳамкорликда иш юритишни тақозо этади.

— Ижтимоий шериклик ҳар икки томон учун манфаатли бўлаётир, — дейди касабақўм раиси Мавлуда Ниёзалиева. — Маъмурият касаба уюшма фаолиятини ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Бу фаолиятни намунали ташкил этишда қўл келмоқда.

Ходимлар ижтимоий ҳимояси доимий диққат марказида. Ўтган йили 3 нафар кам таъминланган ходимга моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, уч ёшгача боласи бор 3 нафар ходимга қисқартирилган иш вақти белгиланган. Аъзолар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Чортоқ» ҳамда «Чимён» санаторийсига йўлланмалар берилди. Ходимларнинг 50 нафар фарзанди мактаб қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳда дам олдирилди.

Спорт тадбирларига кенг жалб қилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек. «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида «Саломатлик» спартакиадаси ташкил этилди. Унда барча ходимлар қатнашди. Эътиборлиси, йил давомида турли саналар муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари уюштирилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандлари Гулистон шаҳридаги музей ва истироҳат боғларига олиб борилди. 15 нафар ходим Самарқанд шаҳрида саёҳатда бўлиб қайтди.

Ўтган йили 9-мактаб касаба уюшма қўмитаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилиб, вилоят бирлашма кенгашининг совғаси — бир комплект хона мебели билан тақдирланди.

Бундан буён ҳам маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ҳамкорликда иш олиб бориб, жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва кафолатлар ҳаётга кенг татбиқ этилаверади.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Ислоҳот ва иқтисодиёт

Ҳар бир йилнинг якуний салмоғи режалаштирилган вазифаларнинг бажарилиши ва яна бир неча муҳим омилларга боғлиқ бўлади. Йиллар бирбирига ўхшамайди, гоҳ қиш чўзилиб кетади, гоҳ баҳор қуруқ келиб, экинтикин мавсумига халал беради. Фақат шу эмас, жаҳон миқёсида кечаётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, молиявий танглик ва бошқа ҳолатлар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва халқнинг турмуш тарзига ўз таъсирини ўтказади. Бозор муносабатларининг қонунлари иқтисодий тараққиёт йўлида содир бўлиши мумкин бўлган барча тўсиқларга, эҳтимоли мавжуд ва кутилмаган ҳолатларга қарши аввалдан пишиқпухта чора-тадбирлар белгилаб қўйишни, ҳар бир соҳада ўта омилкорлик билан, узоқни ўйлаб иш тутишни талаб этади. Ҳаёт асло тўхтамаганидай, ғоят мураккаб шароитларда ҳам катта ютуқларга эришиш мумкин. Буни мамлакатимиз мисолида яққол кўрса бўлади.

Ривожланишни янги бугунги куннинг

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида келтирилган рақамлар, Ўзбекистон замонавий, кучли рақобатга бардош бера оладиган ва диверсификациялаштирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган ўз стратегиясини изчил амалга ошира бориб, ўтган 2013 йилда иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолганини кўрсатади. Нуфузли иқтисодиётчи олимлар, халқаро молиявий институтларнинг мутахассислари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси миссияси баёнотида жаҳон миқёсида глобал иқтисодий вазиятнинг ёмонлашганлигига қарамай, 2013 йилда Ўзбекистонда кучли бюджет сиёсати, мукаммал банк тизими ва давлат қарзининг паст даражада эканлиги барқарор макроиқтисодий натижаларга эришишда етакчи омил бўлаётганини, иқтисодий ривожланиш прогнозлари яқин истиқболда ҳам ижобий бўлиши кутилаётганини қайд этилади.

Маърузада айтиб ўтилганидек, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўтган йили 8 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,8 фоизга ошган, инфляция даражаси 6,8 фоизни ташкил этган. Ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этгани хорижий инвестициялар билан ишлашда, чунончи, четдан қарз олишда ҳар томонлама пухта ўйланган, мамлакатнинг, халқимизнинг келгуси манфаатлари ҳам ҳисобга олинган оқилона сиёсат олиб борилаётгани натижасидир.

Ўзбекистонда кейинги қатор йиллар давомида иқтисодий ўсиш муттасиллик касб этаётгани, якунланаётган ҳар бир йил халқимиз ҳаёти ва турмуш тарзида ўзининг ёрқин изини қолдираётгани давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва дунёда эътироф этилган «ўзбек модели» шарофати, юртимизда тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик ҳукм сураётгани, мамлакатимизда замонавий билимларни чуқур эгаллаган, ғайрат-шижоатга тўла ёш авлод вояга етгани натижаси десак, муболаға бўлмайди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида солиқ ставкалари ошиб бораётган, масалан, Францияда унинг кўрсатгичи йирик мулкдорлар учун 75 фоизга етган, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда иш ўринлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш пакетлари қисқариб бораётган ва бунинг оқибатида бир қатор ижтимоий мураккабликлар вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда 2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилгани, давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолгани ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этгани, шубҳасиз, катта ютуқдир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди, давлатимиз раҳбарининг бу соҳани ривожлантириш ва уни мамлакатда умумхалқ ҳаракатига айлантириш учун қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Тадбиркор ва ишбилармон кишиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига ноўрин аралашмаслик, аксинча, қўлидан иш келадиган, фикрли, ташаббускорларга кенг имконият ва имтиёзлар бериш алоҳида вазифа қилиб белгиланди. Бундай оқилона, халқчил сиёсатнинг бевосита натижасида иқтисодиётимиз таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Масалан, ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 190 мингтага етди. Бугун мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи шу соҳада ишлаб чиқарилаётгани, товарларнинг бир қисми четга экспорт қилинаётгани, ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани эътиборга молик натижадир.

Янгидан иш бошлаётган ҳар бир кичик корхона ёки ҳалол меҳнати ҳисобига даромад топиб, ишлаб чиқаришни кенгайтираётган ҳар бир тадбиркор са-

Фаровонлик ижодкорлари

Ҳозирда аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 2000 йилга нисбатан 9,5 баробарга ошди. Истиқлол йилларида гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 мартага ошди. Бунда, албатта, аҳоли иқтисодий имкониятларининг юксалганлиги билан бир қаторда озиқ-овқат саноатининг ривожланиши, бозорларимизнинг ҳар жиҳатдан тўкин бўлиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.



Қишлоқнинг ишонган тоғлари

Эришилган ютуқларни таҳлил этиш асноси фермерларимизнинг хизматини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Қишлоқ мулкдори сифатида эътироф этилаётган фермерлар бугун, Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқларимизнинг таянч устунига айланишди. Наманган вилоятида ҳам бу борада ўзига хос ютуқларга эришилмоқда.

* * *

«Ўзимиз боқдикми, велосипедини ҳам ўзимиз олиб берамиз». «Келинлар қўзғолони» комедиясидаги Фармонбибининг келинига қарата айтган бу гапи кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Вилоятдаги фермерларнинг аксарияти қўл остидаги меҳнаткашга бугун худди шундай ёндашаётир. Фаолиятдаги тараққиёт, ўзига хос ютуқлар шундай муносабат натижасидир.

Кўплаб ҳудудларда ишчиларнинг далага қатнаши учун махсус транспорт хизмати йўлга қўйилган. Ҳар бир ишчига велосипед туҳфа қилган фермерлар ҳам талайгина.

Бу ғамхўрлик, меҳнат муҳофазаси соҳасида сарф этилаётган маблағ эртага ҳаммадан кўра иш берувчининг ўзига кўпроқ фойда келтиради, албатта. Ишга етиб келгунча, йўл азобидан толиқмаган ёхуд кечикиб келмаган ходим самаралироқ меҳнат қилади.

Касаба уюшма ташкилотлари шу каби мақсадларни кўзлаган ҳолда ҳар бир фермер хўжалигида ишловчилар учун етарли меҳнат шароити, хусусан, намунавий дала шийпонлари барпо этиш фикрини олға сурмоқда.

Содиқжон Файзибоев раҳбарлик қилаётган «Зардўст Замин Зилол» фермер хўжалиги Наманган туманида шундай намунали шароитни яратган пешқадамлардан. 2007 йилда фаолият бошлаган хўжаликда 22 нафар ходим меҳнат қилади. Жамоадагиларнинг 8 нафари аёллар. Шийпонда спорт зали, аёллар хонаси, ошхона, тиббиёт, маънавият-маърифат ҳамда касаба уюшма хоналари мавжуд.

— «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш фермер хўжалигининг мажбуриятлари сифатида белгиланган, — дейди вилоят КУТБ раиси Зулайҳо Маҳкамова. — Шу мажбуриятни бажаришга кўмаклашиш мақсадида фермер хўжаликларида меҳнат шароити қонун талабларига мувофиқ бўлиши, ходимлар орасида меҳнат хавфсизлигидан сабоқ ва тушунтиришлар олиб борилиши, баъзи ишларни бажаришнинг хавфсиз усуллари ўргатилиши, меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Санитария-гигиенага оид шароитларни, технологик жараёнлар, дастгоҳ, жиҳоз, машина-механизмларнинг техник соз ҳолда бўлишини таъминлаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборга олинган. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, фуқароларнинг ногирон бўлиб қолиши ёки бевақт ҳаётдан кўз юмишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фермерларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида вилоят фермерлар кенгаши ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини амалга ошириш бўйича тавсиялар» номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқдик ва фаолиятга кенг татбиқ этилди.

Умуман олганда, ҳар бир фермер қишлоқдошларини иш билан таъминлашга, меҳрга муҳтожларнинг кўнглини кўтариб, камчилигини тўлдиришга эришаётир. Зеро, давр фермерлардан фақат пахта ва ғалла етиштириш билан чегараланиб қолмай, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолият турлари билан ҳам шуғулланиб, кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этишни тақозо қилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳамияти беқиёс. Мазкур фармонга мувофиқ вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, ўтган йили 1042 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, фермер хўжаликларида 1 минг 306 гектардан зиёд майдонда интенсив, маҳаллий боғ, токзорлар, барпо этилди, кўчатчилик ва сабзавотчилик йўлга қўйилди. 2100 бошга яқин қорамол, 237 мингдан зиёд парранда, 2 мингга яқин асалари оиласи боқилмоқда. Фермерлар томонидан янги ташкил этилган балиқчилик хўжаликларида сув ҳавзаларига 313 мингдан зиёд балиқ чавақлари ташланиб, парваришланаётир. Натижада, 3265 та иш ўрни яратилди.

Маълумки, хом ашёни қайта ишлаш катта самара келтиради. Ўтган йили фермер хўжаликларининг 25 тасида йўлга қўйилган гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 260 та фермер хўжалигида ташкил этилган сервис хизмати шохобчалари фаолиятида бу ҳақиқат яна бир бор исботини топди.

Вилоятдаги мавжуд тажриба бошқа ҳудудлардаги мутахассислар эътиборини тортаётгани қувонарли ҳодиса. Хусусан, яқинда бир гуруҳ бухоролик фермерлар Чортоқ, Косонсой, Уйчи, Наманган туманларидаги қатор кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти ҳамда тажрибалари билан яқиндан танишди. Уларда, айниқса, Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган хом ашёдан 18 турда тайёр маҳсулот яратилаётгани, тумандаги «Аҳмадхон ҳожи Косоний» фермер хўжалигида нон маҳсулотлари тайёрлаш жараёни ва иш усуллари катта таассурот қолдирди.

Дарвоқе, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича Дастурга асосан 2014 йилда вилоятдаги 1015 та фермер хўжалигида гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, интенсив, маҳаллий боғ, токзорлар, кўчатчилик ва сабзавотчилик ташкил этиш, қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида ҳамда сервис хизматлари кўрсатиш бўйича 1074 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Чунки омад ишнинг кўзини билган уддабуронларгагина кулиб боқади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тизимда олиб борилаётган кенг ислоҳотларни жамоатчилик эътиборига, тезкор ва халқчил тарзда етказиб беришнинг замонавий имкониятларини тақдим этиш мақсадида матбуот анжумани ўтказди.

Веб-сайт ҳамда портал тақдимоти

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир қўмитанинг интернетдаги Weu.uz расмий веб-сайтдаги ўзгаришлар ва Bizayol.uz веб порталининг тақдимотига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Баситханова, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, ҳудудий қўмита фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Маълум қилинишича, 2012 йилда қўмитанинг Ахборот хизмати ташкил этилиб, ўтган йиллар давомида фаол ишлади. Хусусан, веб-саҳифа дизайнига икки маротаба давр талаби билан ўзгаришлар киритилди, мазмунан бойитилиб, ягона интерактив давлат хизматлар портали my.gov.uz га аъзо бўлди. Шунингдек, гендер статистикаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида gender.stat.uz веб сайти яратилди.

Бундан ташқари, 2013 йилда «Ўзбекистон Республикаси ишбилармон ва касаначи аёлларнинг корпоратив порталини яратиш» лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда грантга сазовор бўлди. Шу муносабат билан лойиҳа асосида Bizayol.uz веб портали яратилди. Шу билан бирга, қўмитанинг интернетдаги расмий веб-саҳифаси Weu.uz дизайн ва техник жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Йиғилишда, веб-саҳифа ҳамда порталнинг имкониятлари, мавзулар кўлами, дизайни ва барча жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар слайдлар орқали намойиш этилди.

Тадбир доирасида Хотин-қизлар қўмиталари муассислигида чоп этилаётган нашрлар, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, моддий базасини бойитишда амалий ёрдам кўрсатиш, газеталарнинг ижодий жамоалари салоҳиятидан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда ҳудудий қўмиталар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

З.РАҲИМОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Qishloq Qurilish Bank

Маълумки бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг кўламли бизнес муҳити яратилган. Айниқса, ёш тадбиркорларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишида банк ва кредит ташкилотларининг ўрни беқиёс.

Тадбиркордан ташаббус, банкдан мадад

Мен ҳам шаҳримиз фуқароларини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «E'ZOZ NON» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдим. Бироқ, кўп ўтмай ишлаб чиқаришда технологиянинг анча эскирганлиги қийинчилик келтириб чиқарди. Энг катта муаммо эса нон маҳсулотларини тез ва сифатли пишириш учун замонавий печларнинг йўқлиги эди. Шундан сўнг аъзоларимиз таклифи билан нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини янада оширишга қаратилган бизнес режа ишлаб чиқилди. Ушбу молиявий режани амалга ошириш учун тижорат банклари кредитларидан фойдаланишни кўзда тутган эдик. Корхонамиз аъзоларига ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Сирдарё минтақавий филиали томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва кредит фоизлари маъқул бўлди. Бизнес режамизни банкка тақдим этдик ва ҳеч қанча вақт ўтмай 120 миллион сўм миқдоридаги узоқ муддатли кредит ажратилди. Бунинг эвазига энг замонавий нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиялар сотиб олинди. Натижада, шаҳримизнинг «Бўстон» маҳалласи ҳудудида кичик цех ташкил этилди.

Ҳозирда корхонамиз Гулистон шаҳар аҳолисига кунига 3200-3300 дона сифатли нон ва нон маҳсулотларини етказиб бермоқда. 8 киши доимий иш билан таъминланди. Шундан 5 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Шу кунга қадар корхона томонидан 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Даромадимизни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ишчи ходимларни рағбатлантиришга йўналтирмоқдамиз.

Ж.БОЙҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти, Гулистон тумани
«E'ZOZ NON» МЧЖ раҳбари

Босқичга кўтариш муҳим вазифаси

ноат, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда янги ишчи ўринларининг кўпайишига, аҳолининг, айниқса, лицей ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга, ёшларнинг замонавий касбларни эгаллашларига ўз ҳиссасини қўшади. Иқтисодиётимиз таркибидаги соҳа ва сифат ўзгаришлари эса мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, бунинг натижасида халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омилга айланади. Чунончи, якунланган йилда мамлакатимиз экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоизни, ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этган. Умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келган.

Модомики, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати, ҳаёт фаровонлиги мамлакатдан ташқарига экспорт қилинаётган товарларнинг ҳажми ва сифати билан боғлиқ экан, ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг ривожланаётган дунё давлатлари сафига жиддий интилаётганидан далолат беради. Янада қувончлиси, ўз маҳсулотини хорижий давлатларга экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сафи 450 тага кўпайган. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш борасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Маърузада айтилганидек, бу кўрсатгич ўтган йилда 3 миллиард АҚШ долларидан ошган бўлиб, уларнинг 72 фоиздан ортиғи тўғридан-тўғри инвестицияларни ташкил этади.

Ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди, албатта. Бугунги кунидан мамнун, эртанги истиқболига мустаҳкам ишонч, кўнгли тўқ кишигина фидокорона меҳнат қилади, ишга самимий муносабатда бўлади. Биз буни кўриб, самараларидан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Ўтган йил давомида қишлоқ жойларида умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта замонавий, барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар барпо этилган. Ушбу мақсад учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилган. Биргина мана шу фактнинг ўзи истиқлол халқимиз учун нақадар улуғ ва азиз неъмат эканлигидан далолат беради десак, муболаға бўлмайди. Бу уйларга кўчиб кириб, фарзандлари ва набиралари ардоғида яшаётган, бир умр қилган орзуси ушалиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлган, шу кунларга етиб келгани учун шукроналар айтаётган ота ва онахонларнинг туйғуларини тасаввур қилайлик.

Маърузада келтирилган рақамлар Ватанимиз йилдан-йилга обод, ҳаётимиз сермазмун бўлиб бораётганидан далолат беради. 2013 йилда 970 минг нафарга яқин киши, улардан 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида ишга жойлаштирилган. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши туфайли аҳоли ҳаётининг мазмундорлик даражаси ва сифати ўсишда давом этмоқда. Йил давомида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 16 фоизга ўсган.

Ҳар қандай ўсиш, фаровонлик сари қўйилаётган ҳар бир қадам — мамлакат ҳаётини модернизация қилишнинг пухта режаси мавжудлиги ва кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг изчиллик билан амалга оширилаётгани далолатидир. Бунда энг муҳими — эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмай, олдинга қараб интилишни, янги юксак марраларни эгаллашни давом эттириш, халқимизнинг меҳнатсеварлик, ишбилармонлик қобилиятидан янада унумли фойдаланишдир. Шу маънода давлатимиз раҳбари ҳал этилмаган мавжуд муаммолар ечимига, 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларга, жумладан, иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва ўсишини таъминлаш, саноатда юқори технологияли замонавий объектларни ишга тушириш, жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин олишнинг муҳим омили ҳисобланган рақобатбардошликни шакллантириш билан боғлиқ муҳим вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Чунончи, жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади, йил давомида салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этилади. Меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар кириб келади. 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этилади. 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. «Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир», — деб таъкидлади Ислом Каримов. Демакки, «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган ушбу йилда ҳаётимизнинг мазмуни бўлган азиз фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан комил инсонлар бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаши, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ҳаётимизнинг бугунгидан ҳам фаровонлашуви учун шахсий масъулиятни ҳис этишга қодир инсонлар бўлиб вояга етиши жамиятимизнинг барча аъзолари учун ғоят шарафли вазифадир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги «СВОЖЖДЛҚК» Департаменти Фарғона вилоят бошқармасининг 20.02.2014 йилдаги 13/229-14-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар, Навоий кўчаси, 29-уйда сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ВАЗ-2107» русумли, 2003 йилда и/ч, д/р -40 529 FAA. **Бошланғич баҳоси — 3 871 704 сўм.**
2. «ВАЗ-2107» русумли, 2003 йилда и/ч, д/р -40 546 FAA. **Бошланғич баҳоси — 4 583 886 сўм.**
3. «TICO DLX» русумли, 2003 йилда и/ч, д/р -40 547 FAA. **Бошланғич баҳоси — 6 209 149 сўм.**

Савдолар 2014 йил 31 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 28 март соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, х/р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома №1177.

Изоҳ: и/ч-ишлаб чиқарилган , д/р-давлат рақами.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 27-fevral № 27 (3376)

Ота-оналар, сизлар учун!

Ўғил тарбияли бўлсин

Маълумки, халқимиз ўғил фарзандни аъло кўради. Ўғил кўрса, номим ўчмайди, деб томирларининг чигали ёзилади, кўкси тўлади. Кун келиб қазойим етса, мени жойимга қўядиган эгам келди, дея кўнгли тинчийди. Ўғил туғилиши ота-онанинг кўксига умид дарахтини экади – энди эшигим ёпилмайди, чироғим ўчмайди, қизларимнинг йўқловчиси, набираларимнинг ҳимоячиси бор, деб жони яйрайди.

Яқинда мактабимиз маъмурияти билим даргоҳимизда таҳсил олаётган 252 нафар ўғил боланинг ота-онасига мурожаат этди: «Мактаб маъмурияти Сизни **«Ўғли борнинг йўриғи бўлак!»**, деб номланган ота-оналар анжуманига таклиф этади. Ўрнингизни йўқотмайсиз, деган умиддамиз».

Ҳеч бир бола онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Уни муҳит, тарбия шакллантиради. Эътиборсиз ва лоқайд кимсаларнинг «Сен менга тегма, мен эса сенга» қабилидаги дунёқараш эса ачинарли ҳолатларга йўл очиб беради, холос.

Шу ерда шахсий тажрибамдан мисоллар келтираман. Бизнинг мактабимизда 31 нафар ярим етим ўқувчи таҳсил олади. 19 нафар махсус, 62 нафар кам таъминланган оила фарзандлари алоҳида эътиборда.

Мактабда ўтадиган барча тадбирларда биринчи галда худди мана шу ўқувчиларнинг иштирокини талаб қиламиз. Чунки, улар кўнгли ўксик, оз бўлса-да ҳаёт қийинчиликларига рўбарў келган болалардир. Янги йил, Наврўз байрамлари арафасида ҳомийлар ёрдами билан айнан мана шу ўқувчиларга имконият даражасида совға-саломлар ташкиллаштирамиз. Агарда ножўя хатти-ҳаракати билан ҳуқуқбузар ёки тартиббузар бўлиб рўйхатга тушган ўқувчи чиқиб қолса, у менинг ўнг «одамим»га айланади. Ўсмир қилган хатосини англаб етиши учун қўлдан келган ҳеч бир юмушдан қайтмаймиз, унинг қалбига кириб боришга ҳаракат қиламиз.

Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши, ота-оналар ҳушёрлигини ошириш учун мактабимизда ишчи гуруҳ тузиб, амалга ошириладиган ишларимизни режалаштириб олганмиз. Биринчи галда 1-синфдан 9-синфгача ўқийдиган ўқувчиларимиз орасидан ўғил болалар рўйхатини алоҳида шакллантирдик. Бунда ҳар бир ўғил боланинг алоҳида хусусияти, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, унинг инжиқлиги, қайсарлиги, дўсту устозлари билан муносабати, бировнинг ҳақидан қўрқиши кабилар инобатга олинди.

Юқори синф ўсмир йигитлари билан деярли ҳар куни ахлоқий мавзуларда суҳбат ўтказишни йўлга қўйганмиз. Уларда инсонийлик, раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббатни шаклланишига ёрдам берадиган ҳужжатли ва бадиий филмлар намойишини кучайтирдик. Ва ҳар гал сеансдан сўнг уларнинг фикрини эшитамиз.

Мактабимизнинг мақтаса арзигулик яна бир жиҳати шундаки, бизда ҳар бир тадбир хоҳ у катта, хоҳ у кичик бўлсин, якуни атрофлича таҳлил қилинади. Тадбирда жилла қурса, бир дона плакатни кўтариб чиққан ёки эпизоддa иштирок этган ёки олқишлашни қойиллатиб қўйган ўсмир албатта рағбатлантирилади.

Энди оталар жалб этилган «Ўғли борнинг йўриғи бўлак» деб номланган ота-оналар мажлиси ҳақида тўхталиб ўтсам. Йиғин олдидан оталарни рўйхатга олиш гуруҳи тузилди. Айрим ота-оналар ходимларнинг ёнига келиб имзо қўйдим, энди кетаверсам бўладими, дейишган бўлса, айримлари йиғинга барча қариндош-уруғларининг фарзандлари учун келганини мақтаниб гапирди. Яна кимдир бугун зарур маросим (улфатчилик, гап, тўй-тантана ёки саёҳат) борлигини очиқ айтиб, кетишга ижозат сўрашди. «Йиғилиш бошлансин, ўшанда рухсат берамиз» деб ҳаммани залга таклиф қилдик. Йиғилиш бошидаёқ барчага «Кимда ким мазкур йиғилишга рўйхатдан ўтиш, «плюс» қилдириш, номига учраб қўйиш учун келган бўлса, бемалол чиқиб кетаверсин. 365 кунимдан атиги бир кунини, унинг ҳам 1 соатини жигаргўшамга бағишлайман, деганлар бўлса, йиғилишда қолсин» деб эълон қилдик. Бу гапдан кейин ҳеч ким жойидан силжимади. Анжуманда Қўқон шаҳар бош имом хатиби Абдумажид қори Исақовнинг «Ўғил бола тарбиясида ислом таълимоти», Қўқон шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Саидмусаев Саидбаҳромнинг «Ким фарзандининг жиноятчи бўлишини истайди?», мактаб директори Шоистахон Етовқўзиеванинг «Кейинги пушаймон...» деб номланган маърузалари йиғилиш қатнашчиларини ларзага келтирди. Ўсмирлар тарбиясидаги муҳим масалалар моҳиятини англаб етган ота-оналар бундан буён кўзларини каттароқ очиш вақти етиб келганлигини англаб етганликларини изҳор этиб, миннатдорлик билдиришди.

Йиғилиш сўнгида ҳар галгидек ҳикматли бир воқеани айтиб бердим: Бир мактаб ўқитувчиси ўз ўқувчиларига «Сеҳргар учраб қолса ундан нима сўрардинг?» деган мавзуда иншо ёздирибди. Ва ишдан кейин ўқитувчи иншоларни текшириб келиш учун уйига олиб кетибди. Кечки овқатдан кейин муаллима иншоларни текширар экан, бир иншо устида узоқ муддат тўхтаб қолибди. Кўзларидан томчилаётган ёшни кўрган турмуш ўртоғи «тинчликми» дея сўрабди. Қаранг, дадаси мана бу ўқувчимнинг ёзган иншосини:

«Агар менга сеҳргар учраб қолса, мен ундан уйимизда савлат тўкиб турадиган телевизорга айлантириб қўйишни сўрардим. Чунки, телевизорнинг ўрни мендан юқорироқ, обрўси баландроқ. Телевизор учун алоҳида хона, алоҳида таглик, чангимаслиги учун махсус ёпғич бор. Оиламизнинг ҳар бир аъзоси биринчи эътиборни шу телевизорга қаратади. Масалан, дадам ишдан келибоқ шунга ёпишади, акам, опам ҳам камида бир марта мазкур матоҳга маҳлиёланиб қарайди. Алам қиладигани шундаки, телевизор гапираётган вақтда уни ҳеч ким тўхтатмайди, муҳокама қилмайди, нимани гапирса шундайлигича қабул қилинади. Менчи? Менинг алоҳида хонам йўқ. Дадам ўқишим билан қизиқмайди ҳам. Онам эса уй ишлари билан банд. Ака-опаларимга эришган ютуқларимни айтиб берай десам, телевизорнинг «фикри»ни бўлиб қўйишим мумкин. Шунинг учун ҳам мен телевизорга айланиб қолишни, жуда бўлмаганда, оиламиз аъзоларининг менга ҳам худди телевизор сингари вақт ажратишларини жуда истайман».

Аёлининг кўз ёшларини артаётган эр «вой-бўй, шунчалик ҳам эътиборсиз ота-оналар бўлишадими-а? Қандай ноинсоф экан улар?» дебди.

Эрининг нигоҳини иншонинг сўнгги саҳифасига қаратган аёл секингина «дадаси, иншо муаллифи ўзимизнинг ўғлимиз», деб ҳўнграб юборибди.

Мен ҳам йиғилиш иштирокчиларига бугунги ташрифлари учун ташаккур изҳор этган ҳолда ота-оналарга фарзандларингиз тарбиясига эътибор беринг, улар Сизнинг ғамхўрлигингизга муштоқдир. Бир кунда бир марта бўлса ҳам диққатингизни унга қаратсангиз, эртага улардан жиноятчи, тартиббузарлар эмас, элпарвар, оилапарварлар етишиб чиқади, дедим.

Мансур КОМИЛОВ,
Қўқон шаҳар 8-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2014 йил 31 мартда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу «Давлат активлари» учун қўшимча белгиланган инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча белгиланган инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибларига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3-соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2014 йил 31 март куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2014 йилнинг 7, 14, 21 ва 28 апрел кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат улушлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» МЧЖ	25 % давлат улуши	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй	«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» МЧЖ	25.04.2012 №1743	1 270 018 215,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	«TOSHKOMMUNALTA'MINOT» МЧЖ	48 % давлат улуши	Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Чашма (З.Шамсутдинова) кўчаси, 3-уй	«TOSHKOMMUNALTA'MINOT» МЧЖ	25.04.2012 №1743	1 395 169 600,00		

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	ТТЗ ОАЖ тасарруфида булган, "Гўшт-сут" савдо дукони	239,00	Мирзо Улуғбек тумани, Ахмад Югнакий мавзеси, 33а-уй	"ТТЗ" ОАЖ	4.04.2008 №830	173 983 642,43	29 000 000	1 йил
2	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
3	Лаборатория бинаси	1 245,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
4	Ошхона бинаси	534,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
5	Ёрдамчи бинаси	121,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
6	Ёрдамчи бинаси	40,00	Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
7	Ишлаб чиқариш бинаси (қурилиши тугалланмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Сохибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. Институти	7.09.2009 №256	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил
8	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй	-	12.08.2011 №233	1 486 370 095,00	-	-

Хизматлар лицензияланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида таълим тизимининг бошланғич бўғини — мактабгача таълим муассасаларида ҳам хориж тилларини ўқитиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Термиз шаҳридаги 30-мактабгача таълим муассасаси 110 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган. Ўтган йили қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш учун барча қулайликларга эга бўлган таълим-тарбия масканида спорт, мусиқа ва инглиз тили йўналишларида машғулотлар кенг йўлга қўйилган. Айниқса, инглиз тили сабоқлари болажонларга манзур бўлмоқда. Турли кўргазмали воситалар кичкинтойларга инглиз тилини тез ва осон ўзлаштиришда қўл келмоқда.

Суратда: Термиз шаҳридаги 30-мактабгача таълим муассасасида.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Диққат, янгилик!

2016 йил охиригача пойтахтдаги йўловчи ташувчи автобусларда йўл ҳақи учун автоматлаштирилган тўлов тизими жорий этилади.

Тизимнинг ишлаш принципи автобусларда ўрнатилган турникет, яъни кириш-чиқиш жойларидаги айланма ғов ёрдамида автоматик тарзда пластик карталардан пулни ечиб олишни кўзда тутади.

«Электрон чиптачи»

Бундан ташқари, 2014 йил охиригача шаҳарда йўловчи ташиш автобусларини мониторинг қиладиган GPS тизими ўрнатилади. «Тошшаҳарйўловчитранс» корхонаси замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш орқали ҳайдовчиларнинг интизом ва тартибга риоя қилиши, автоуловларнинг техник ҳолатини доимий назорат қилишни мўлжалламоқда. Йўлдош навигатор мониторидаги махсус карта орқали транспорт воситасининг ҳар қандай ҳаракатини кузатади, автобуснинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотларни марказий компютерга онлайн ҳисобот тарзда тақдим қилиб боради. Шунингдек, дастурий таъминотлар тизимини ишлаб чиққан ўзбекистонлик мутахассислар уни бир қатор қўшимча имкониятлар билан таъминлашган. Жумладан, диспетчер ишнинг бошланиш ва тугаш вақтини назорат қилиши, ҳайдовчини маълум хавф, йўналишнинг ўзгаргани тўғрисида огоҳлантириши мумкин. Бундан ташқари, диспетчерда масофадан туриб автобус дивигателини ўчириб қўйиш ёки эшиклар бошқарувини ўз қўлига олиш имконияти ҳам мавжуд. Бу эса йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

2012 йилда GPS-навигаторлари шаҳарлараро қатновчи автобусларга ўрнатилган бўлиб, улар синовдан ўтказилган. 2013 йилнинг май ойида GPS-датчиклар Тошкентдаги 8 та шаҳар маршрутларидаги 95 та автобусга ўрнатилган. Айни дамда навигаторлар ўрнатилган транспорт воситалари сони 300 донани ташкил қилади.

У.ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ВЕЛОСПОРТ

Фарғона вилоятида «Фарғона-тур — 2014» республика мусобақалари якунига етди. Баҳсларда мезбонлардан ташқари Тошкент, Хоразм, Наманган, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ҳамда пойтахт вакиллари ғолиблик учун кураш олиб борди.

ҚОРДА... ВЕЛОСИПЕДДА

Икки босқичда ўтказилган 66 км.га жамоавий баҳсларда Вадим Шаехов (Сирдарё) ғалаба қозонди. Тошкент шаҳри вакиллари — Юрий Шермуҳамедов, Темур Гумеров кумуш, Дмитрий Лозовой, Сергей Медведев бронза медалларини қўлга киритдилар.

42 км.лик масофада ўтказилган пойгаларда эса Дмитрий Лозовой марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Ундан бироз ортда қолган Владислав Галянов (Тошкент вилояти) ҳамда Жаҳонгир Дармонов мос равишда шоҳсупанинг кейинги поғоналарини банд этишди.

Алена САПАРОВА, Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида паралимпиячилар ўртасида енгил атлетика бўйича ташкил этилган Гран-при турнирида мамлакатимиз спортчилари Осиё рекордларини янгиладилар.

ҚИТЪА РЕКОРДИ

Дунёнинг 38 давлатидан келган мингга яқин спортчи иштирокида ўтган мусобақанинг 1500 метр масофага югуриш баҳсида ҳамюртимиз Фахриддин Ҳамроев 4 дақиқа-ю 03,94 сония натижа билан Осиё рекордини янгилади. Бугина эмас. Фахриддин 800 метр масофага югуриш мусобақасида 1:53,20 сония натижа кўрсатиб, яна бир рекорд ўрнатди.

Ёқутхон Холбекова ҳам Дубайга бежиз келмаганини исботлади. У хотинқизлар ўртасида 800 метр масофага югуриш мусобақасида марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди ва 2:22,62 натижа билан Осиё рекордини янгилади.

Шунингдек, Убайдулла Имомқулов 1500 метр масофага югуришда 4:37,37 сония натижа билан навбатдаги олтин медални делегациямиз ҳисобига қўшди.

Узунликка сакраш мусобақасида иштирок этган Фаррух Мирзақулов 6 метр 36 сантиметр натижа билан кумуш медал соҳиби бўлди.

Ушбу халқаро турнирда жорий йил Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказиладиган ПараОсиё ўйинларининг йўлланмалари ҳам ўйналди.

БОКС

Ёшлар терма жамоаси аъзолари Россиянинг Анапа шаҳрида халқаро тоифадаги спорт устаси Николай Павлюков хотирасига бағишланган VII халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этиб, олтита медални қўлга киритди.

КУМУШ ВА БРОНЗА

Турнирда бош мураббий Марат Қурбонов шогирдларидан ташқари Арманистон, Озарбайжон, Белорус, Қозоғистон, Куба, Эстония, Латвия, Ҳиндистон, Грузия, Германия, Россия, АҚШ, Молдова, Сербия, Афғонистон ва Украинадан келган 144 та «чарм қўлқоп устаси» рингга кўтарилди.

Жамоамиз таркибида Абдулҳай Шораҳматов (56 кг.) ва Обиджон Тоҳиров (81 кг.) кумуш, Маҳмуд Гоипов (69 кг.), Суннатилло Баҳодиров (64 кг.), Шукуржон Раҳимов (56 кг.) ва Музаффар Рашидовга (60 кг.) бронза медаллари насиб этди. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи бўлишди.

ЮНОН-РУМ КУРАШИ



Юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар терма жамоаси аъзоси Илҳом Баҳромов Москвада ташкил этилган, олимпиада чемпиони Борис Гуревич XX халқаро турнири ғолибига айланди. Мусобақада мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Озарбайжон, Белорус, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Украина жамоалари иштирок этишди.

БИРИНЧИ МАРТА

Самарқандлик полвон 50 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди. Россиялик Иля Михайлов иккинчи, қирғизистонлик Тилекмат Жакшиликов ва украиналик Игор Курочкинлар учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг кўп йиллик тарихида юртимиз полвони биринчи маротаба энг юксак мукофотга сазовор бўлди.

ТАЭКВОНДО

Таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Миср ҳамда БАА да ташкил этилган халқаро турнирларда иштирок этиб, бир олтин, беш кумуш ва уч бронза медалини қўлга киритдилар.

ИККИ ЮРТДАН ТЎҚҚИЗ МЕДАЛ БИЛАН

Спортчиларимиз дастлаб Мисрнинг Луксор шаҳрида ўтказилган «Luxor Open — 2014» халқаро турнирида иштирок этишди. Дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан келган 700 га яқин таэквондо усталари иштирокида ўтган мусобақада терма жамоамиз аъзолари — Умида Абдуллаева (-73 кг.), Никита Рафалович (-74 кг.) ҳамда Жасур Бойқўзиев (-87 кг.) кумуш медалларни ғазнамизга қўшиб қўйди. Бронза медалига эса Максим Рафалович (-80 кг.) эга чиқди.

БААнинг Фужайра шаҳрида ўтказилган навбатдаги халқаро турнирда таэквондочиларимиз эришган натижалар янада салмоқли бўлди. Мусобақада Жасур Бойқўзиев (-87 кг.) барча рақиблари устидан ғалаба қозонди. Максим Рафалович (-80 кг.) ва Дмитрий Шокин (-87 кг.) кумуш медал совриндори бўлди. Сарвар Шералиев (-54 кг.) ва Никита Рафалович (-74 кг.) бронза медаллари билан тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 19.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 218 22290 nusxada bosildi 1 3 4 5